QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«08» Июль 2021-у. № 02-02/04-3238 «____»-________ 2021-j.

**Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларни белгилаш илмий-тадқиқот институтига**

Ҳурматли Аюбхон Бахтиёрхонович!

Ўзингизга яхши маълумки, мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ва Республика хукумати хамда Халқ таълими вазирлиги томонидан баркамол авлодни тарбиялашга, умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишга жуда катта эътибор қаратилиб, бу борада жуда катта ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Малакали, тажрибали ва ҳар томонлама кучли билимга эга мутахассис кадрларсиз умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириб бўлмаслиги эса ҳаммамизга маълум, албатта.

Республикамиздаги умумтаълим мактабларидаги "тўқ қизил" тоифадаги 62 та мактаблар фаолияти ўрганиб чиқилганда ушбу мактабларда, аксарият холатда, дарс тақсимотлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва бошланғич синфларда дарсларни малакали мутахассис кадрлар эмас, балки 4 ойлик қайта тайёрлаш курсидан ўтиб келган педагог ўқитувчилар ўқитаётганлиги, бундай ҳолат хозирги кунда ҳам давом қилиб, жорий ўқув йили якунида хам умумтаълим мактабларидан бир қатор ўқитувчиларнинг эгаллаган мутахассислиги қайта тайёрлаш курси талабларига тўғри келмаса ҳам ушбу курсларга ўқишга бораётганлиги аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Сиздан умумтаълим мактабларида таълим сифати ва мазмунини янада ошириш мақсадида 4 ойлик қайта тайёрлаш курсларига жалб қилинадиган ўқитувчиларнинг қатъий тарзда белгиланган Низом талабларига асосан қабул қилинишида ва уларнинг билим даражасининг етарли бўлишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ташкил этишингизни таклиф этамиз.

**Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б** **Қ.Бекбаулиев**

Ижрочи: Д.Айтжанов
Тел: (61) 222-52-25

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin

www.uzedu.uz t.me/uzedu facebook.com/uzedu instagram.com/uzedu.uz